

---

## МЕҲНАТГА РАҒБАТ АЛБАТТА БЎЛАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозаров белгиланган режа асосида вилоятимизнинг барча туманларида бўлиб, келгуси йилда қишлоқ хўжалиги экин-текин мавсумида иштирок этадиган техникалар созлиги ва ҳолатини кўриқдан ўтказмоқда. Вилоят раҳбари ҳудудлардаги марказий машина трактор паркларида механизатор ва фермер хўжалиги аъзолари билан учрашиб, мавсум олдида турган долзарб вазифалар ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқда.

- Қишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачиликда механизация ишларининг аҳамияти жуда катта, пахтани техника пиширади, дейди миришкор деҳқонларимиз. Техниканинг барча турларини таъмирлашда энг аввало сифатга эътибор бериш керак, бежиз халқимиз иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур деб айтмаган. Келгуси мавсум давомида агротехник тадбирларни ўз муддатида ва сифатли бажариш билан бирга, механизаторлар меҳнати муносиб рағбатлантирилиб борилади, деди вилоят раҳбари.

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозаров ана шундай учрашувларда мавсум давомида самарали меҳнат қилган юзлаб механизаторларга янги йил байрами олдидан қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотларини топширмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлиги

2020-12-25 06:27:47